

**Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ
КИТОБИ / 31-ҳадис**

31-482 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِحْدَى صَلَاتِي الْعِشِيِّ - قَالَ ابْنُ سِيرِينَ: قَدْ سَمَّاهَا أَبُو هُرَيْرَةَ، وَلَكِنْ نَسِيتُ أَنَا - قَالَ: فَصَلَّى بِنَا رَكْعَتَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ، فَقَامَ إِلَى حَشْبَةِ مَعْرُوضَةٍ فِي الْمَسْجِدِ، فَاتَّكَأَ عَلَيْهَا كَأَنَّهُ غَضْبَانٌ، وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى الْيُسْرَى، وَشَبَّكَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ، وَوَضَعَ خَدَّهُ الْأَيْمَنَ عَلَى ظَهْرِ كَفِّهِ الْيُسْرَى.

وَخَرَجَتِ السَّرْعَانُ مِنْ أَبْوَابِ الْمَسْجِدِ، فَقَالُوا: فَصُرَتِ الصَّلَاةُ، وَفِي الْقَوْمِ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ، فَهَابَا أَنْ يُكَلِّمَاهُ، وَفِي الْقَوْمِ رَجُلٌ فِي يَدَيْهِ طُولٌ، يُقَالُ لَهُ: ذُو الْيَدَيْنِ، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَنْسَيْتَ أَمْ فَصُرَتِ الصَّلَاةُ؟ قَالَ: لَمْ أَنْسَ وَلَمْ تُفْصَرْ فَقَالَ: أَكَمَا يُقُولُ ذُو الْيَدَيْنِ؟» فَقَالُوا: تَعَمَّ.

فَتَقَدَّمَ، فَصَلَّى مَا تَرَكَ ثُمَّ سَلَّمَ، ثُمَّ كَبَّرَ وَسَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ أَوْ أَطْوَلَ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ كَبَّرًا، ثُمَّ كَبَّرَ وَسَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ أَوْ أَطْوَلَ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ كَبَّرًا - فَرُبَّمَا سَأَلُوهُ - ثُمَّ سَلَّمَ.

فَيَقُولُ: بُئِيتُ أَنْ عِمْرَانَ بْنَ حُصَيْنٍ قَالَ: ثُمَّ سَلَّمَ.

31-482. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга кундузги икки намоздан бирини ўқиб бердилар. - Ибн Сирин: «Абу Ҳурайра унинг номини айтди, лекин мен унутиб қўйдим», дейди. - У зот бизга икки рақъат намоз ўқиб бериб, сўнг салом бердилар-да, масжидга кўндаланг қўйилган ёғочнинг олдига бориб, унга суяндилар. У зот ғазаблангандек эдилар. Ўнг қўлларини сўл қўлларига қўйиб, бармоқларини бир-бирига кириштирдилар ва ўнг ёноқларини чап кафтлари орқасига қўйдилар. Шошқалоқлар «Намоз қисқарибди», деб, масжид эшикларидан чиқиб кетишди. Қавм ичида Абу

Бакр ва Умар бор эди. Улар ҳам у зотга гапиришдан ҳайиқишди. Қавм ичида қўллари узун киши бўлиб, уни «Зул-ядайн»* деб аташар эди. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, унутдингизми ёки намоз қисқардими?» деди. У зот: «**Унутмадим ҳам, қисқармади ҳам**», дедилар-да: «**Зул-ядайн айтганидек бўлдими?**» деб сўрадилар. «Ҳа», дейишди. Шунда олдинга ўтиб, қолдирганларини ўқидилар. Кейин салом бердилар ва такбир айтиб, ҳар доимги саждаларидек ёки ундан узунроқ сажда қилдилар. Кейин бошларини кўтардилар ва такбир айтдилар. Кейин такбир айтиб, доимги саждаларидек ёки ундан узунроқ сажда қилдилар. Сўнг бошларини кўтардилар ва такбир айтдилар».

Баъзан ундан (Ибн Сиридан) «Кейин салом берганлар», дейилганми?» деб сўрашганида, «Менга Имрон ибн Ҳусойннинг «Сўнг салом бердилар», деган хабари келган», дерди.

* «Зул-ядайн» - икки қўл соҳиби, яъни узунқўл.

Изоҳ: Ҳадисда айтилганидек гаплашиш намозни бузмаслиги Исломининг олдинги ҳукмларига биноан бўлиб, кейин мансух (бекор) қилинган. Шунинг учун ҳам мазкур воқеада иштирок этган Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўз халифалиги даврида шундай ҳолатга тушганида намозни қайта ўқиган.

Манба: hadis.islom.uz

